У.М. Ибрагимов, Ҳ.Б. Исмойилов,
Ф.В. Халилов, А.К. Хожиев

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ УЗЛУКСИЗ ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШДА АКТ ЁРДАМИДА БОШҚАРИЛАДИГАН ИНВЕРТОРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монография



У.М. Ибрагимов, Ҳ.Б. Исмойилов,
Ф.В. Халилов, А.К. Хожиев

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ УЗЛУКСИЗ ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШДА АКТ ЁРДАМИДА БОШҚАРИЛАДИГАН ИНВЕРТОРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

МОНОГРАФИЯ

БУХОРО-2023
«ДУРДОНА»-НАШРИЁТИ

31.2
621.314:004
Т 44
У.М. Ибрагимов, Ҳ.Б. Исмойилов, Ф.В. Халилов, А.К. Хожиев
Технологик жараёнларни узлуксиз ишлашини таъминлашда акт ёрдамида бошқариладиган инверторларни такомиллаштириш [Матн] / У.М.Ибрагимов, Ҳ.Б.Исмойилов, Ф.В.Халилов, А.К.Хожиев - Бухоро: "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona, 2023.- 84 б.

УДК 621.314:004
КБК 31.2

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Х.Ф.Джўраев – техника фанлари доктори, профессор

Ш.Баротов – техника фанлари бўйича фалсафа доктори,(PhD)

Ушбу монографияда инверторларни модеринизатциялаш орқали технологик жараёнларни барқарор ишлашини таъминлаш, янги турдаги инверторларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун лойиҳа олди ҳисоб-китоб ва тузатишларни амалга ошириш баён этилган.

Бухоро муҳандислик-технология институти Илмий- Кенгашининг 2022 йил "26" декабрдаги №9 - сонли қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган

ISBN 978-9943-9103-5-5

© У.М.Ибрагимов, Ҳ.Б.Исмойилов, Ф.В.Халилов, А.К.Хожиев

КИРИШ.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги Республикамизда иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга ва аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжни узлуксиз қаноатлантиришга қаратилган нефть-газ, электр энергетика, кўмир, кимё, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламаяпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқоридир.

Ҳозирги вақтда асосан гидроэлектростанциялар ишлаб чиқараётган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси умумий ҳажмининг атиги ўн фоизи тўғри келмоқда. Ниҳоятда катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамасдан, қуёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланилмаяпти.

Шу муносабат билан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш давлат сиёсатининг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим. [1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сонли қарорида ҳам юқоридаг келтирилган чора-тадбирлар қонуний жиҳатдан тасдиқлаб қўйилган ва бу бизнинг иқтисодий ривожланишимиз ҳамда жахон бозорларида мустаҳкам ўз ўрнимизга эга бўлишимизда кен имконият беради. Шунингдк муҳтарам юртбошимизнинг 2017 йил 26 майдаги “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-3012-сонли қарорлари ҳам таъкидлаш

жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 5 майдаги ПҚ-2343-сонли қарори билан тасдиқланган, 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури доирасида кейинги йилларда республикамизнинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳасида энергия тежамкорлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маиший ускуналарни ишлаб чиқариш энергетик менежменти ва энергетик маркировкалаш стандартлари жорий этилди. Кўчаларни ёритиш тизимида энергия истеъмоли бўйича самарали технологияларни ҳамда уй-жой ва ижтимоий бинолар учун энергияни тежайдиган лампаларни жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда, Республика ҳудудида қуввати 40 Втдан юқори бўлган чўғланма лампаларни сотиш тўхтатилди.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларида энергия сиғими юқори бўлган иситиш қозонларини энергия тежамкорларига алмаштирилмоқда. Энергетика тармоғида замонавий газ ва буғ турбинали қурилмаларни жорий қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирларига доир қабул қилинган Дастур доирасида 42 та янги гидроэлектростанция қуриш ва ишлаб турган 32 та гидроэлектростанцияни модернизация қилиш ҳисобига 2025 йилга қадар республикамизнинг экологик тоза гидроэнергия ишлаб чиқариш қувватларини 1,7 баробарга ошириш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, миллий иқтисодиётнинг энергия сиғими юқорилигича қолмоқда, қайта тикланувчи манбаларни саноат ишлаб чиқаришига жалб этиш ҳисобига ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш даражаси жаҳон тенденциясига жавоб бермайди. Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда бирламчи ёқилғи сифатида

асосан табиий газ ва бошқа анъанавий углеводород ёқилғи турларидан фойдаланилмоқда.

Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларининг (қуёш, шамол ва биогаз энергияси, кичик табиий ва сунъий сув оқимларининг гидроэнергияси) мавжуд юқори имкониятларидан амалда фойдаланилмаяпти.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва синовдан ўтган халқаро энерготежамкор илғор технологиялар тадқиқотларини амалиётга мақсадли жорий этиш соҳасида белгиланган устувор йўналишларни рўёбга чиқариш мақсадида юқорида келтирилган қарор бизга йўл харита бўлиб хизмат қилади ҳамда соҳалардаги камчиликларнинг қонуний асосланган ечими бўлиб хизмат қилади.[2]

Бугунги кунда деярли барча ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилган ёки автоматик жараёнларга ўзгариб бормоқда. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш ҳамда сифатли маҳсулот тайёрлашга кенг йўл очиб бермоқда. Жумладан автоматлаштирилган ёки автоматик технологик жараёнларнинг узлуксиз ишлашини таминлаш ҳамда иш жараёнини назорат қилиш мақсадида марказий бошқариш қисмлари яъни серверларга ва уларнинг электр таъминотини мунтазам таъминлаб туришга катта эҳтиёж сезилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнини ва электр таъминотини узлуксиз таъминлаш мақсадида эса бугунги кунда кўплаб тизимлар ва қурилмалардан фойдаланилиб келинмоқда. Буларга мисол қилиб қуйидагиларни олишимиз мумкин бўлади:

- Инверторлар (1.1-расм.);
- Дизел генераторлари (1.2-расм.);
- ГЕСлар (1.3-расм.).









1.1-расм. 1.2-расм. 1.3-расм.

Ҳозирги кунга келиб энг оммалашган ва кам ҳаражатли бўлган қўшимча ёки фавқулодда электр таъминоти учун фойдаланиладиган қурилмалар сифатида инверторларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бунга сабаб эса инверторларнинг мослашувчанлиги, тан нархи арзонлиги, ихчамлиги ва ишончлигидир. Инверторларнинг асосий вазифаси доимий электр манбаини ўзгарувчан электр токига ўзгартиришдан иборат. Аммо бугунги кунга келиб инверторлар ўз зиммасига тизимнинг тўлиқ электр токи билан таъминланишини назорат қилиш билан бир қаторда жараён барқарор ишлашини таъминлаш учун керакли бўлган кўрсаткичларда электр токи йетказиб бериш вазифаларини ҳам амалга оширмоқда. Шунингдек, ҳозирги замонавий инверторлар бир вақтнинг озида тармоққа керакли бўлган электр токининг барча кўрсаткичларини таъминлаш вазифаларини ўзида мужассамлаштирмоқда.

Жумладан, бугунги кунга келиб, инверторларнинг турлари ва ишлаш тамойиллари ҳам ўзгариб бормоқда. Ишлаш тамойилига кўра тоза синусоидали ёки дискрет кўринишларида бўлиши мумкин. Ҳозирда инверторларнинг асосан тармоқ, доимий манбали (батареяли) ва гибрид (тармоқли ва батареяли) инверторлардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Тармоқли инверторлар доимий муқобил электр манбаи (қуёш батареялари, шамол генераторлари, пелти(ҳароратлар фарқи билан электр токи оладиган) элементлар ва бошқалар)дан олинган электр токини тармоққа мос синхрон ўзгартирган ҳолда тўғридан-тўғри узатилишини таъминлаб беради. Бу инверторлар бугунги кунда оммалашиб бормоқда. Бироқ, бу инверторлар тунда ёки тармоқда

турли узилишлар содир болганда ҳавфли ҳолатларни олдини олиш мақсадида ишламаслиги мумкин.

Батареяли инверторлар бу электр манбаи сифатида батареялардан фойдаланади ва электр токи билан таминлайди. Бироқ батареялар бу инвертор билан жиҳозланган тизимларнинг асосий камчилиги ҳисобланади. Чунки, батареяларнинг мақбул фаолият кўрсатиш даври қисқа.

Гибрид инверторлар юқорида келтирилган инверторларнинг умумий битта платформада мужассамлашгани дейишмиз мумкин. Сабаби шундаки, бу инверторлар ўзгартириши керак бўлган электр манбаини барча доимий электр манбаларидан олиши ва электр токига талаб даражасидан пасайган вақтда батареяларга электр токини йиғиб боришлари ҳам мумкин бўлади.

Гибрид ва батареяли инверторларнинг ишлаш тамойиллари ўхшаш, яъни электр токи талаб қиладиган қурилмага ортиқча юклама тушганда ёки электр тармоқда узилишлар рўй берганда электр токи билан таъминлайди. Қолган вақтларда эса кутиш режимида ишлаб туради.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, барча технологик жараёнларни автоматик бошқарувида уларни узлуксиз ишлашини таминлаш мақсадида инверторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, инверторларни АКТ ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда масофадан бошқариш, технологик жараёнларга кетадиган электр токи таъминоти миқдорини аниқлаш, қолаверса иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида мақбул бўлган электр таъминоти турларини танлашга кенг йўл очиб беради.

Биз таклиф қилаётган лойиҳа бугунги кунга келиб юртимиздаги ЯИМнинг 27,9 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Ҳозирда мамлакатимизнинг анчагина қисмини чўл ҳудудлари ҳамда ўзлаштирилмаган ер майдонлари ташкил қилади. Чўл ҳудудларини ўзлаштириш, янги экин майдонларини барпо этиш учун суғориш тизимини самарали йўлга қўйиш катта рол ўйнайди. Экин майдонларини суғориш учун эса асосан оқаво сувлардан ва ер ости сувларидан фойдаланилиб келинмоқда. Бу ўз новбатида суғориш қурилмаларидан фойдаланишда электр токига талабни

ошишига олиб келади. Бунинг учун замонавий техника ва технологияларни қўллаш долзарб ҳисобланади.

Жумладан, бугунги кунда электр токини 1 кмга узатиш учун узатиш линиялари ва трансформаторларни ташкил этишга таҳминан 100 млн. сўмдан ортиқ маблағ талаб этилади. Шу боисдан қишлоқ хўжалигида қайта тикланувчи энергия манбаларилдан фойдаланиш энергия талабларини қондиришга ҳамда иқтисодий самарага эришишга замин яратиб беради.

Биз таклиф қилаётган “АКТ ёрамида бошқариладиган инверторларни такомиллаштириш” лойиҳаси ҳам мавжуд ер майдонларининг чўллашинишини олдиини олишга, янги экин майдонларини барпо этишга катта имкон яратибгина қолмасдан балким, электр токини узатиш учун талаб этиладиган ортиқча ҳаражатларни олдини олади.

Давлатимизнинг энергия тизмига тушадиган юкламаларни камайтиришга ҳамда узатиш линияларида ҳосил бўладиган реактив қувватлар учун сарф харажатларни олдини олишга имкон яратадиб беради. Қуёш энергияси экологик тоза, кам харж ва иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб туради. Биз таклиф этаётган лойиҳадан кўзланган асосий мақсад жорий қилиниш учун кам вақт талаб қилиниши, тўлиқ автоматик ишлаши, ишлаш муддати 40 йилдан ортиқлиги, тан нархининг қопланиши учун 3 йил муддат талаб қилиниши ва конструкция жиҳатидан ихчамлигидадир.

Ушбу лойиҳа ер майдонларига ўрнатиладиган датчиклар ҳисобига ўсимликларнинг сувга бўлган талабига қараб ер ости сувлари билан таъминлашни амалга оширади. Қолган вақтларда қуёш энергиясидан олинган электр токи билан ер майдонлари атрофида жойлашган бошқа ишлаб чиқариш корхоналарини таъминлаш учун хизмат қилиши мумкин. Бу эса ушбу тизимнинг ютуқларидан бири ҳисобланади. Ушбу тизим маълумотлар базасига эга бўлиб, барча иш фаолиятларини сақлаб бориш орқали статистик ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қилади [3,4].

Шунингдек, узлуксиз ишлайдиган технологик жараёгларни муқобил ва сифатли ишлашини ҳам таъминлаб беради.

Тадқиқот ишининг мақсади. Инверторларни модеринизатциялаш орқали технологик жараёнларни барқарор ишлашини таъминлаш, янги турдаги инверторларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун лойиҳа олди ҳисоб-китоб ва тузатишларни амалга ошириш.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

1. Таклиф этилаётган инверторларни аниқлаш ва асослаш;

2. Инверторни куч трансформаторларини қайта лойиҳалаш;

3. Инверторни юклама тушудиган ярим ўтказгичларини қайта лойиҳалаш;

4. Юклама тушадиган ярим ўтказгичларнинг совутиш тизимини лойиҳасини ишлаб чиқиш;

5. Инверторнинг бир нечта электр манбалари билан ишлашини таъминлаш;

6. Замонавий датчикларини қўллаган ҳолда инверторларни маълумотлар базаси билан алоқасини лойиҳалаштириш;

7. Инверторнинг юқорида олинган натижа ва бажарилган ишларга асосланган ҳолда дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Лойиҳалаштирилаётган инвертор кам ҳаржлиги ва мослашувчанлиги ҳамда масофадан бошқарилиш хусусиятлари мавжуд бўлади.

Тадқиқотнинг предмети. Совутгич радиаторлар, юклама трансформаторлар, ярим ўтказгичлар куч ва ток трансформаторлари ва ардуино микроконтроллери.

Тадқиқотнинг объекти. Лойиҳа учун танлаб олинган инвертор.

I-БОБ. Технологик жараёнларни узлуксиз ишлашини таъминлашда электр таъминотининг роли.

1.1. Автоматик бошқарув тизимига асосланган технологик жараёнларни бошқарув блокидаги доимий манбааларни зарурияти.

Бугунги кунда барча автоматлаштирилган ёки автоматик технологик жааёнларнинг деярли барчасида бошқарувчи сифатида сервер компьютерлар (супер компьютерлар) ёки процессорлар ҳисобланади. Технологик жараёнларнинг бошқариш органи яъни бошқарувчи қисми бўлиб хизмат қиладиган процессорлар узлуксиз ишлаши эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ва жараён узлуксиз бориши гаровидир.

Суперкомпютерлар қуйидаги мураккаб масалаларни ечиш учун қўлланади, давлат хавсизлигини таминлаш масалалари, космосни тадқиқот қилиш масалалари, об-ҳавони башорат қилиш (шу жумладан тўфонларнинг қувватини ва ҳаракат йўналишини башорати), инсон ва ҳайвонларни биохимик тадқиқот масалалари, ядро қуролини ишга лаёқатлигини назорат қилиш ва АЕС ишончли ишлашини назорати ва ҳоказо масалаларни.

Биринчи суперкомпютерлар 1960 йили ғояси ўйланиб, 1972 йили яратилган (20 Мфлопс унумдорликка эга бўлган ИЛЛИАС ИВ). 1975 йилдан бошлаб унумдорлиги 160 Мфлопс ва оператив хотира сиғими 8 Мбайт бўлган Spay 1 суперкомпютерини яратиб биринчиликни Spay Reasearch фирмаси эгаллади, 1984 йили тўлиқ СИМД архитектурасини жорий этилган Spay 2 яратиб суперкомпютерларнинг янги авлодини дунёга келтирди. Spay 2 – унумдорлиги – 2000 Мфлопс, операти хотира сиғими – 2 Гбайт.

Хозирги вақтда дунёда бир неча минглаб суперкомпютерлар мавжут, Spay фирмасининг оддий офис учун мўлжалланган Spay ЕЛ дан бошлаб то қувватли Spay -3, Spay -4, Spay Й-МП С90 гачан; НЕС компаниясининг СХ-3 СХ-Х ; Control Data фирмасининг Research, Sber 205; Fijutsi компаниясининг VP 2000 (икки фирма Японияники); Fijutsi Seamens (Германия - Япония) VPP 500 ва хоказо, унумдорлиги бир неча юз минг Мфлопс.

Россияда яратилиб ва ишлаб чиқарилган YS 1191, YS 1195, “Элбурус” супер компютерлари. YS 1195, YS 1191.01 офис вариантларининг унумдорлиги мос равишда 50Мфлопс ва 500Мфлопс эга.

Суперкомпютернинг типик моделлари:

- юқори параллелик кўп процессорлик хисоблаш тизимлари, тезлиги 100 000 Мфлопс дан кўпроқ;

- сиғими: оператив хотира 20 – 500 Гбайт, дискли хотира 1 – 10 Тбайт (1 Тбайт =1024 Гбайт);

- разрялиги 64 – 256 бит.

1996 йили декабрда Интел фирмаси дунёда биринчи маротаба тезлик бўйича терафлопли чэгарадан ўтилган Сандиа суперкомпютерини яратганлиги хақида еълон қилди. Компютер 1 соату 40 минут давомида сурулувчи вергулли 6,4 квадриллион операцияни бажарди. МП ЛИНПАК тестидан ўтган 1060 Мфлопс унумдорликка эга таркибли (конфигурация) компютер 57 та шкафда жойлашган бўлиб у такт частотаси 200 МГс ли Pentium Pro процессорларидан 7000 та ва оператив хотираси 454 Гбайт бўлган. Суперкомпютернинг охирги варианти 1,4 Тфлопс унумдорликка эга бўлиб, 160 м2 да жойлашган 86 та шкафдан ташкил топган, 573 Гбайт оператив хотирага ва 2250 Гбайт диск хотира сиғимига эга бўлган. Компютернинг массаси 45 тонна, чўққи энергия истемоли 850 кВт ташкил етган.

1998 йили япония фирмаси НЕС Corporation СХ-5 суперкомпютерини яратганлиги хақида хабар берди, унинг унумдорлиги 4Тфлопс бўлиб 512 та процессордан ташкил топган ва ахборот узатишни 32 Тбайт/с тезлигини таминлаган.

2003 йили IBM фирмаси таркибида миллиондан кўп Pentium III бўлган ва тезлиги секундига 1015 операцияни бажарувчи суперкомпютер яратиши хақида хабар берган.

Жуда қувватли 42Тфлопс унумдорлиги бўлган Спасе Ехплоратион Симулатор суперкомпютери СГИ корпорацияси томонидан НАСА (Солумбиа лойихаси) учун 2004 йили яратилга. У 10 240 та (512 тали 20 та кластерлар) Итаниум 2 микропроцессоридан ташкил топган.

Дунёдаги енг қувватли суперкомпютерларнинг 2005 йилдаги рейтингида IBM компаниясининг унумдорлиги 70Тфлопс бўлган Блуе Гене/Л суперкомпютери биринчи ўринни эгаллаган. Бу суперкомпютер кластерли таркибга эга бўлган. Блуе Гене/Л максимал таркиби 64 шкафдан иборат бўлиб унумдорлиги 270Тфлопс

бўлган. Суперкомпютернинг кейинги версиялари Блуе Гене/С ва Блуе Гене/Р, IBM вадасига кўра унумдорлиги 1000Тфлопс (1Рфлопс) га йетказилган.

Бу каби юқори унумдороли компютерларни битта микропроцессорда яратиш мумкун емаслигининг сабаби, електормагнит тўлқинларининг тарқалиш тезлигиги (300 000 км/с) билан боғлиқ, чунки бир неча миллиметр масофага (микропроцессор томонларининг чизиқли ўлчами) сигнални тарқалиш вақти секундига 100 миллиард операция тезлиги битта операцияни бажариш вақти билан бир хил бўлиб қолади. Шунинг учун суперкомпютерларни юқори параллели кўп процессорли хисоблаш тизимлар (КРХТ) кўринишида яратилади.

Юқори параллелли КРХТ бир неча турлардан иборат:

1.Магистралли (конвейерли) КРХТ , уларда процессорлар ишлов бериладиган ахборотлар оқими билан бир вақтнинг ўзида турли операцияларни бажарадилар. Бундай КРХТ ларни турларга ажратиш бўйича қабул қилинган тамоилига асосан, улар кўпмарттали оқимли буюруқ ва бир мартта оқимли ахборот тизимларига мансубдир (многократным потокам команд и однократным потокам данных - МКОД, ёки МИСД – Мултипле Инструстион Сингле Дата).

2.Векторли КРХТ , уларда барча процессорлар бир вақтнинг ўзида турли ахборотлар билан битта буюруқни бажарадилар – бир мартали буюруқ оқими кўп мартали ахборотлар оқими билан (однократный поток команд с многократным потоком данных – ОКМД, ёки СИМД – Сингле Инструстион Мултипле Дата).

3.Матрицали КРХТ , уларда микропроцессорлар бир вақтнинг ўзида ишлов берилиши керак бўлган кетма-кет ахборотлар оқими билан турли операциялар бажарадилар – кўп марттали буюруқлар оқими кўп мартали ахборотлар оқими (многократный поток команд с многократным потоком данных – МКМД, ёки МИМД – Мултипле Инструстион Мултипле Дата). [5]

1.2.Технологик тизимни узлуксиз ишлашини таъминлашда қўлланиладиган инверторларнинг тузилиши ва ишлаш принципи.

1. Умумий маълумотлар Бундай функцияларни BFI тизимлари (инвертер / UPS тизимлари), ушбу электр таъминоти кафолатланган ускуналар, муаммосиз, техник параметрлари ва қувват ишончлилиги талаблари юқори бўлган саноат корхоналари учун бажарадилар. BFI тизимлари қуйидагиларга имкон беради: беслеме зўриқишида - технологик жараённинг нормал ўтиши учун шароит яратиш;

аккумулятор энергиясидан фойдаланиш сабабли фавқулодда электр энергияси узилиб қолганда, маълум вақт давомида технологик жараённинг узлуксиз электр таъминотини таъминланг, яъни. тармоқдаги кучланиш қайта тикланмагунча ёки агар керак бўлса, технологик жараённи хавфсиз якунлаш учун шароит яратилмагунча. Ўзгармас ўзгарувчан электр таъминоти тизимларининг вазифаси - барқарор параметрларга эга кучланишли масъул истеъмолчиларни узлуксиз электр таъминоти. Масъулиятли истеъмолчилар - бу уларнинг тўғри ва муаммосиз ишлаши учун идеал кучланиш билан таъминланиши керак бўлган умумий жараён ва / ёки ускуналар учун аҳамиятига асосланиб, узлуксиз электр таъминотига муҳтож бўлган ускуналар ёки бутун тизимлар. Ишончли электр таъминотини талаб қиладиган электр станциялари ва бошқа энергия иншоотларида BFI тизимлари учун одатий истеъмолчилар қуйидагилардир: бошқарув тизимлари компютерлар асбоблар клапанлари электр қурилмалари ўзгарувчан ток моторлари BFI тизимлари инвертернинг ортиқча юк ҳажмини ошириш имкониятига эга, масалан, электр моторларини ишга тушириш учун (буюртма билан ихтиёрий). Тиристорли калитли инверторлар: BFI (пз) КК С (Т) ДДД / ААА ХХ * + СКБ (Т) ЖЖЖ бу ерда: BFI - инвертер; қўшимча вариантлар: п - параллел ишлаш учун инвертер; з - электр таъминоти билан инвертер; КК С (Т) - инвертернинг номинал қуввати, кВт; - инвертер чиқадиган фазалар сони: С битта фаза, Т - уч фаза; ДДД - доимий кириш кучланиши, В; ААА - ўзгарувчан токнинг чиқиш кучланиши, В. СКБ - тиристорли калит (электрон бйпасс), бир фазали версияда Т - уч фазали версияда; ЖЖЖ - номинал чиқиш қуввати, кВт.

2. АПС Енергиа ускуналари ГОСТ 5-банди талабларига жавоб беради ва МСК-64 шкаласи бўйича 9 баллгача сейсмик таснифга мос келади (буюртма бериш пайтида ихтиёрий). Конверсион ускуналарни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш бўйича катта тажриба, шунингдек ГОСТ Р тизимидаги идоравий аттестациялар ва сертификатлар муваффақиятли топширилиб, АПС Енергиа-га саноат соҳасидаги турли лойиҳаларда, шу жумладан атом энергетикаси билан боғлиқ лойиҳаларда иштирок этиш имкониятини беради. BFI тизимига қуйидаги компонентлар киради: инвертер, СКБ (Т) тизими ва техник хизмат кўрсатишни четлаб ўтиш, САН 8

мониторинг ва бошқариш тизими, EMC кириш ва чиқиш фильтри. BFI тизимлари учун қўшимча ускуналар: батареяни зарядлаш учун ректификатор; тармоқдан инвертер қувват манбаи; (BFI типидаги тизимлар) Автоматик узатиш тугмаси автоматик узатиш тугмаси Инвертернинг характеристикалари Кафолатланган электр таъминоти тизимининг асосий элементи тўғридан-тўғри волтажни ўзгарувчан битта фазали ёки уч фазали ўзгартирадиган инвертердир. Инвертер ўзгарувчан ток кучланиш манбаи ва стабилизатор фильтри вазифасини бажаради ва юқори сифатли электр таъминотини таъминлайди. Катта қувват инверторлари параллел ишлайдиган қисмлар сифатида ишлаб чиқарилади. BFI типидаги инверторлар - бу PWM импульс кенглиги модуляциясига эга ИГВТ транзисторлари асосида юқори частотали технологиядан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган замонавий электрон энергия ускуналари. Хусусиятлари: чиқиндаги синусоидал кучланиш юқори частотали барқарорлик, истеъмолчилар билан кенг коэффициентда ишлаш қобилияти, конверсион тизимнинг юқори ишончлилиги паст даражадаги юқори ҳармоникали юкларнинг галваник изолацияси ўзгарувчан ва доимий кучланиш кучланишидан сигнализация сигналлари ва иш ҳолатлари ҳаддан ташқари кучланиш, элементларнинг ҳаддан ташқари қизиши, ҳаддан ташқари юкланиш, қисқа туташув ва ҳоказолардан "СТАРТ" тугмаси / "СТОП" ҳимояси ёрдамида инвертерни ёқиш ва ўчириш имконияти оқим ва кучланиш тўлқинларининг паст даражаси, батареянинг чуқур зарядсизланишидан ҳимоя қилинадиган оқимнинг ҳармоник таркибий қисмларининг паст даражаси тиристор калити характеристикаси асосий электр узилиши ҳолатларида. СКБ (Т) тизими "ON-LINE" ёки "OFF-LINE" режимида ишлаш қобилиятига эга. СКБ (Т) тизимининг иш режими САН 8 бошқарув ва бошқариш тизимида ўрнатилиши мумкин. On-Line иш режимида истеъмолчиларга асосий қувват манбаи BFI тизимига узатиладиган инверторнинг чиқиш кучланиши ҳисобланади. СКБ (Т) тизими орқали чиқиш. "OFF-LINE" тизимининг ишлаш режимида истеъмолчилар учун асосий қувват манбаи СКФ (Т) тизими орқали BFI тизимининг чиқишига етказиб бериладиган тармоқ кучланишидир. СКБ (Т) киришидаги асосий қувват манбаи кучланиши ўлчанади ва доимий равишда синовдан ўтказилади ва агар

кучланиш параметрлари рухсат этилган чэгаралардан ошиб кетса, СКБ (Т) чиқиши захира манбасидан қувват манбаига ўтади. Коммутация вақти 5 милодий СКБ (Т) тизими 5 милодий вақт билан ишлайди. Фақат ёқилган қувват манбалари синхронлаштирилганда (инвертер нормал ишлаши пайтида) содир бўлади. Синхронизация бўлмаса, алмаштириш 10 мс танаффус билан содир бўлади. Инвертернинг нормал кучланиши тиклангандан сўнг, истеъмолчиларнинг захира қувват манбаидан асосийга узлуксиз ўтиш мавжуд. Коммутация вақти 0 мс. САН 8 кузатув ва бошқариш тизимининг хусусиятлари Мониторинг ва бошқариш тизими BFI тизимининг барча иш ҳолатларини кузатиш, рўйхатга олиш ва визуаллаштиришни, фавқулодда вазият юзага келганда сигнал беришни ва воқеа буферидан маълумотларни флеш хотирага узатиш имкониятини беради. .

3. Ишлаш принципи / Техник параметрлар Бундан ташқари, ҳар бир фазадаги чиқиш волтажлари ва оқимларининг ҳақиқий параметрлари, ҳар бир фазадаги беслеме қуввати, чиқиш қуввати, доимий волтаж манбаининг кучланиши ва оқими, атроф-муҳит ҳарорати ва бошқалар. ЛСД дисплейда мавжуд. Мнемоник диаграмма элементларининг тавсифи қуйидаги расмда келтирилган. Тизим тури Тармоқ манбаи батарея зўриқишида инвертер батареянинг электрон айланиб ўтиши СКБ (Т) Тизимнинг чиқиши Техник хизматни четлаб ўтиш Чиқиш кучланиши ва фоизли оқим Сигнализация ҳолатлари потенциалсиз ўрни контактлари орқали сигнал берилади (8 та стандарт ва 8 та ихтиёрий). Стандарт ўрни контактлари: Сигнални огоҳлантирувчи инвертер иши Бйпасс ишлаши ҳаддан ташқари юк батареянинг ишлаши (BFIз тизими учун вариант) паст батарея қуввати хизматни четлаб ўтиш ёқилган САН 8 тизими ташқи РС 485 алоқа интерфейси билан жиҳозланган, бу тизимни ташқи кузатув тизимига улашга имкон беради. Маълумот узатиш протоколлари тизимда РС485 интерфейси орқали мавжуд: АПС6000, МОДБУС РТУ, ИЕС, ДНП3. Улар тизим параметрлари тўпламларини ўқишга имкон беради. Қандай ишлайди BFI тизимларининг асосий ишлаши соддалаштирилган блок-диаграмма билан тасвирланган. Инвертер доимий волтажни ўзгарувчан волтажга айлантиради. Инвертер чиқадиган кучланишнинг юқори барқарорлиги, қисқа туташувга чидамлилиги билан ажралиб туради. Тармоқларнинг галваник

изолациясини таъминлаш учун инвертернинг чиқишига изоляция трансформатори ўрнатилади. Инвертернинг чиқиш кучланиши СКБ (Т) тиристорли калит тизимининг кириш қисмига берилади ва тармоқ кучланиши тизимнинг иккинчи киришига қўлланилади. СКБ (Т) тизимининг кириш қисмидаги асосий кучланиш норматив талабларга мос келмаса ёки кучли шовқинлар мавжуд бўлса, СКБ (Т) тизими истеъмолчиларни захира кучланишидан автоматик равишда электр таъминотига ўтказади. Коммутация вақти 5мс дан кам бўлади. СКБ (Т) тизими тўғри кучланишни аниқлагандан сўнг, истеъмолчиларни электр таъминоти кутиш кучланишидан асосий кучланишга қайтарилади. Агар қурилмада профилактика ишларини бажариш зарур бўлса, истеъмолчиларни BFI тизимлари жиҳозланган техник хизмат кўрсатувчи бйпасс орқали электр таъминотига ўтказиш мумкин. Ушбу алмаштириш, инвертер ишламай қолганда ёки СКБ (Т) тизимининг ишламай қолишида шубҳа туғдирганда ҳам ишлатилиши мумкин. Хизматни айланиб ўтишга ўтиш узлуксиз.

4. Техник параметрлар 5 Тизим параметри BFI (КК) С - бир фазали Т - уч фазали беслеме зўриқишида АС 220В; 230В 3х380В; 3х400В Кириш кучланишининг ўзгарувчан оралиғининг рухсат этилган диапазони АС + 10% / -15% Беслеме зўриқишида частотаси АС 50 Ҳз ± 4% Беслеме зўриқишида ДС 48В; 110В; 220В 48В; 110В; 220В Рухсат берилган кириш кучланишининг ўзгарувчан диапазони ДС + 20% / -15% Рухсат этилган кириш кучланишининг далгаланиши <9% р.м.с. Инвертернинг чиқиш қуввати 220В; 230В 3х380В; 3х400В инвертернинг статик кучланиш стабилизацияси: ± 1%; динамик: ± 5% инверторнинг чиқиш волтаж частотаси 50Ҳз ± 0,1% инверторнинг кучланиш тўлқин шакли бузилиш фактор инверторнинг номинал чиқиш қуввати) жадвалда тур диапазони билан жадвалда 3: 1 (9: 1 гача буюртма бўйича ихтиёрий) 3 х Ином. 100мс ичида (буюртма беришда 9гача ихтиёрий) 0 инд. 0 қувватгача. Самарадорлик> 90% инвертернинг ортиқча юк кўтариш қуввати * Денгиз сатҳидан максимал иш баландлиги Ишлаш ҳарорати *** Сақлаш ҳарорати *** Намлик Олинган шовқин даражаси Косонни ҳимоя қилиш даражаси 1.1 х Ином. - узоқ муддатли 1,25 х Ином. - 10 дақиқа ичида 1,5 х Ином. - 1 дақиқа ичида > 1,5 х Ином. - 1 сония ичида (бошқа чэгараларни буюртма қилиш

мумкин) 1000 м ** +0 о С дан +40 о С -40 о С дан +55 о С гача 95% гача (конденсациз) <80 дб ИП қувватига қараб 20 (буюртма беришда ИП 54 га қадар ихтиёрий) Зилзилага чидамли дизайни 9 балл МСК (буюртма беришда ихтиёрий) ГОСТ п.5 Рал 7035 (*) қаршилик кучи 1000 м дан юқори бўлган ранг (Р), номинал чиқиш оқими камайтирилиши керак ҳар бир қўшимча 1000 метрга 5% га (***) кўрсатилган ҳарорат оралиғи Қурилманинг бир қисми сифатида ишлайдиган АБ га тааллуқли емас. АБ сақлаш ва ишлаш шартларига қўйиладиган талаблар АБ ишлатиш қўлланмасида бўлиши керак.

5. BFI қурилмаларининг тури диапазони BFI мосламаларининг тури диапазони Инвертер модели BFI 1 C 48/230 Чиқиш кучланиши В Кириш қуввати В Чиқиш қуввати, ква Косон дизайни ўлчамлари, ҲхWхД, мм 48 1 SW BFI 1 C 48 / MC BFI 2.5 C 48/230 1x, 5 SW BFI 2.5 C 48 /, 5 MC BFI 5 C 48 / MC BFI 1 C 110 / SW BFI 1 C 110 / MC BFI 2.5 C 110 /, 5 SW BFI 2.5 C 110 /, 5 MC BFI 5 C 110 / 230 1x SW BFI 5 C 110 / MC BFI 10 C 110 / MC BFI 20 C 110 / MC BFI 30 C 110 / MC BFI 1 C 220 / SW BFI 1 C 220 / MC BFI 2.5 C 220 /, 5 SW BFI 2.5 C 220 /, 5 MC BFI 5 C 220 / MC BFI 10 C 220 / MC BFI 15 C 220/230 1x MC BFI 20 C 220 / MC BFI 25 C 220 / MC BFI 30 C 220 / MC BFI 40 C 220 / MC BFI 50 C 220 / MC BFI 60 C 220 / MC BFI 1 T 48 / MC BFI 2.5 T 48/400 3x, 5 MC BFI 5 C 48 / MC BFI 1 T 110 / MC BFI 2.5 T 110 /, 5 MC BFI 5 T 110 / MC BFI 10 T 110 / MC BFI 20 T 110 / MC x400 BFI 30 T 110 / MC BFI 40 T 110 / MC BFI 60 T 110 / MC BFI 80 T 110 / MC BFI 100 T 110 / MC

BFI 1 T 220 / MC BFI 2.5 T 220 /, 5 MC BFI 5 T 220 / MC BFI 10 T 220 / MC BFI 15 T 220 / MC BFI 20 T 220 / MC BFI 25 T 220 / MC BFI 30 T 220 / MC BFI 40 T 220/400 3x MC BFI 50 T 220 / MC BFI 60 T 220 / MC BFI 80 T 220 / MC BFI 100 T 220 / MC BFI 150 T 220 / MC BFI 200 T 220 / MC BFI 300 T 220 / MC BFI 400 T 220 / MC BFI муҳофазасининг хусусиятлари BFI тизимлари уч турдаги металл шкафларда амалга оширилади: SW1; Деворга ўрнатиладиган ихчам шкафда SW2 бажарилиши. Модулли ёки бепул қурилиш учун полга ўрнатиш учун шкафдаги MC версияси. [6]

1.3. Технологик тизимда қўлланиладиган инверторларнинг мақбул вариантларини танлаш ва тадбиқ этишни асослаш.

Инвертор - автоном ёки кутиш режимидаги электр таъминоти тизимининг юраги. Шунинг учун автоном ёки захира қувват манбаи тизимини танлашда инвертерни танлашга алоҳида эътибор бериш жуда муҳимдир.

Инверторларнинг нархи ва имкониятлари жуда хилма-хил бўлиши мумкин, аммо қувват чиқиши бир хил бўлади.

Инверторлар учун бир нечта асосий дастурлар мавжуд (1.4-расм.).

1). 220 В кучланишли тармоқ ишламай қолганда электр энергиясини узлуксиз таъминлаш учун инверторлардан фойдаланилади Одатда бундай инвертор ва батареялар тизими қишлоқ уйида ёки муҳим саноат объектларида ўрнатилади.

2). Худди шу нарса, шунингдек, тармоқдаги энергия ўрнига қуёш (ва / ёки шамол) энергиясидан устувор фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу сизнинг электр энергиянгиз учун тўловни сезиларли даражада камайтириши мумкин, аммо тизимга дастлабки сармоялар нисбатан катта.

3). Саноат электр тармоқларидан тўлиқ автономияда яшаганда.


Юриш шароитлари учун, масалан, автоулов, фургон, автобус, яхтада узоқ саёҳат қилиш учун.




1.4-расм. Автоном манбаалар тўплами.

Ўзгартирилган синус ва соф синус


Дастлаб, ўзгартирилган синус инверторлари ва соф синус инверторлари орасидаги 220В ўзгарувчан токнинг чиқиш кучланиши шаклидаги фарқни кўриб чиқамиз



1.5-расм. Ушбу тўртбурчаклар ўзгартирилган синус ва бу текис эгри чизиқ тоза синусдир.



1.6-расм. Саноат тармоғида биз нисбатан силлиқ тоза синусни ҳам кўрамиз.



1.7-расм. Бизнинг тармоғидаги эгри синус.

Ўзгартирилган синусдан баъзи қурилмалар (двигателлар, насослар, диодли лампалар, музлатгичлар ва микротўлқинли печлар) кам самарали ишлайди, яъни. ушбу қурилмалар кўпроқ қизийди, қаттиқроқ шовқин қилади ва кам қувват билан ишлайди. Ҳатто иситиш қозонлари каби ўзгартирилган синусдан ишлай олмайдиган қурилмалар мавжуд.



1.8-расм. Манбаа ўзгартиргич.

Нима учун улар ҳали ҳам ўзгартирилган синус билан инверторларни ишлаб чиқаришмоқда? Чунки улар тоза синусли инверторларга қараганда анча арзон ва 220 В кучланиш кучланишининг шаклига аҳамият бермайдиган юкламалар мавжуд. Булар, аввалambор, электр асбоблари, компютерлар ва бошқа ускуналар.

Юқори частотали инверторлар

Кам қувватли қурилмалар учун кам қувватли инверторлар, масалан, ноутбук, кичик чангютгич, кичик электр бурғулаш мосламаси ва бошқалар мавжуд.



1.9-расм. Улар юқори частотали технологиялар ёрдамида тайёрланади.

Юқори частотали инверторларнинг афзаллиги уларнинг кичик ўлчамлари ва вазни (одатда 1 дан 5 килограммгача), шунинг учун нарх.

Улар кучланишни батареялардан юқори частотада (одатда 20000 - 30000 герц) ўзгартирадилар, шунинг учун кичик трансформатор ва кичик кондансаткичлар талаб қилинади.

Аммо, улар айтганидек, "ҳар бир медалнинг салбий томони бор". Юқори частотали инверторлар кўпроқ радиатсия беради, кўпроқ электромагнит паразитлар чиқаради. Уларда камдан-кам ўрнатилган зарядловчи мавжуд, чунки тармоқ паст частотага эга ва уларда паст частотали трансформатор йўқ. Ушбу инверторларнинг баъзиларида сиз зарядловчи қурилмани топишингиз мумкин, аммо унинг ҳажми одатда паст бўлади.

Юқори частотали инверторлар юқори юк кучларида ишончсиз бўлиб қолади. Уларнинг стандарт диапазони 100 - 1500 ватт қувват оралиғида.

Паст частотали инверторлар. Келинг, паст частотали инверторларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида гапирайлик. Олдинга қараб, биз уларнинг кўп жиҳатдан юқори частотали инверторларга қарама-қарши эканликларини дарҳол таъкидлаймиз.

Паст частотали инверторларда, албатта, батареялардан энергияни конвертатсия қилишнинг паст частотаси, яъни 50 герц частотаси қўлланилади. Ушбу частота саноат тармоғининг частотасига тўғри келади, у ҳам 50 герц. Ушбу частотада нисбатан катта ва оғир трансформаторлар ишлайди. Бундай трансформатор инвертер электрон ва юк ўртасидаги оралиқ буфер вазифасини бажаради, бу эса қурилманинг ишончлилигини оширади.

Юқори ва паст частотали инверторларнинг моделлари (7-расм).



1.10-расм.

Тармоқли инвертор.

Он-грид инвертери ҳам инвертер, ҳам МППТ технологиясига эга қуёш текширгичидир.

Аммо тармоқ инвертори биз юқорида муҳокама қилган батареяларга уланган, ўрнатилган қуёш бошқарувчисига эга анъанавий юқори частотали инверторга қараганда мутлақо бошқача мафкурага эга. Бу тубдан фарқ қилади. Ушбу мафкура Еврозона мамлакатлари, АҚШ ва бошқаларнинг бошқа шароитларидан келиб чиққан.

Масалан, 500 Вт қувватга эга тармоқ инвертори шундай кўринади. Бир қарашда, ғайриоддий нарса йўқ. Ажабланадиган ягона нарса - батареяларни улаш учун терминалларнинг етишмаслиги.



1.11-расм. Оддий инвентор

Тармоқ инверторининг мафкураси шундаки (8-расм), қуёш панелларидан олинадиган энергия (ЮҚОРИ волтажга уланган, одатда 200 - 600 В оралиғида) зудлик билан ўзгарувчан 220 В юқори кучланишга айланади ва дарҳол саноат тармоғига берилади.

Кириш ва чиқишдаги кучланиш юқори бўлганлиги сабабли сиз трансформаторларсиз ишлай оласиз, бу эса тармоқ инверторлари нархини пасайтиради(гарчи баъзи бир сабабларга кўра улар одатдаги аккумулятор инверторларига қараганда 2 баравар қимматроқ ҳисобланади).

Биз сизнинг эътиборингизни шуни таъкидламоқчимизки, саноат 220 В тўхтаб қолганда, тармоқ инвертори қуёш порлаб турса ва ортиқча энергия бўлса ҳам, 220 Вни чиқармайди.

Унинг дизайни саноат 220 В мос келадиган ва этакчи бўладиган тарзда ишлаб чиқарилган. Қўшимча равишда, хавфсизлик талабларига мувофиқ - шубҳасиз электрчи 220 В тармоғини ўчирганда ва айтайлик, электр тармоғини яланғоч қўллари билан таъмирлашни бошлаганда - ўлдирилмаслиги учун, тармоқ инвертери керак 220 В ни ишлаб чиқаришни давом эттирманг.

Шунинг учун, агар тармоқдаги электр қуввати йўқолса ва фақат қуёш панеллари бўлган тармоқ инвертери ўрнатилган бўлса, у ҳолда сиз электрсиз қоласиз. Кўп пул сарфланди ва захира қувват манбаи бўлмайди.

Гибрид инверторлар.

Гибрид инвертор (GIBRID) нима (9-расм)? Бу инверторлар эволюциясининг энг юқори чўққиси. Бу одатий, яъни батарея ва тармоқ инвертори, бирлаштирилиб, яъни гибриддир!



1.12-расм. Гибрид инвертор

Гибрид инвертор, худди тармоқ инвертори каби, саноат тармоғи билан синхронизатсия қилиш ва у эрда энергияни батареялардан ҳам, қуёш батареяси панелларидан қуёш регулятори билан насос билан ишлашга қодир. Ўша. у нафақат

грид инвертери билан бир хил, балки кўпроқ нарсани ҳам билади. Масалан, ортиқча юк тушганда тармоқни "қувватланг" - агар керак бўлса, у батареянинг ва / ёки қуёш регуляторидан тармоқнинг ажратилган қувватига қувват қўшиши мумкин бўлади. Гибрид 220 В тармоқ йўқ бўлиб кетган тақдирда ҳам ишлайди. Гибрид, сизнинг илтимосингиз бўйича, қуёш энергиясини нафақат уй тармоғига ёки ташқи тармоққа етказиб беришни чеклаши мумкин. Ўша. берилган энергияни тўлаш учун ҳисоб-китобларга қўшадиган ҳисоблагичлар билан боғлиқ муаммо бартараф этилади.

Гибрид ўз синусини бироз каттароқ амплитуда тармоқ синусига юклайди ва бутун юкни ёки юкнинг бир қисмини ўз зиммасига олиши мумкин. Агар насосга рухсат менюда ўрнатилган бўлса, 1 та батареядаги кучланиш 12,7 В дан юқори (бу 100% қувватга тўғри келади) бўлса, у ҳолда ташқи энергия таъминоти мавжуд бўлмаганда (масалан, Қуёшдан), насос тўхтайди, ва кейин ҳамма нарса фақат электр тармоғидан қувват олади. Қуёш пайдо бўлади - насос яна давом этади, қуёшнинг бу энергияси имкон қадар ёки истеъмолчилар истеъмол қиладиган даражада.

Эътибор беринг, 220 В тармоқли батареялар истеъмол қилинмайди ва ёмонлашмайди, гарчи қуёш энергияси тармоққа туширилса.[7]

Биринчи боб бўйича хулоса.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотларга асосан бугунги кунда қўлланилиб келаётган ҳамда таннархи жиҳатидан мақбул бўлган инверторлар сифатида лойиҳамизга паст частотали инверторларни модеринизатция қилиш орқали мултифункцияларга эга инветорни лойиҳалашни ўз олдимизга мақсад қилдик.

Шунингдек, узлуксиз электр токи билан таминладиган объект сифатида технологик жараёнларни бошқарувчи қисми процессорлар ёки сервер компьютерлари танлаб олинди. Бошқарув қисмини танлашимизнинг асосий сабаби сифатида технологик жараёнларнинг ишлаши учун бошқарув қисми муҳимлиги ҳамда бошқарувчи қурилмаларнинг ишлаши учун инверторга қўйиладиган талаб унчалик юқори бўлмаганлигини олишимиз мумкин.


II-БОБ. Технологик жараённи узлуксиз ишлашини таъминлашда инверторларни ахборот-коммуникация тизимлари асосида бошқаришнинг дастурий таъминоти

2.1. Инверторнинг совутиш тизимини лойиҳалаштириш ва асослаш.

Электрон қурилмаларнинг 24 соат узлуксиз ишончли ва самарали ишлаши кўп жиҳатдан электрон схема ташкил топган ярим ўтказгичларга боғлиқ бўлади. Ярим ўтказгичлар асосан юклама тушганда қизишга олиб келади, бу эса унинг ишдан чиқишига олиб келади.

Алюмений ўзак орқали совутиш тизимлари ёки оддий қилиб айтганда машинанинг юритгичини ҳам совутиш тизими унинг ишлашига катта таъсир кўрсатибгина қолмасдан унинг барқарор ишлашини ҳам таъминлаб беради. Аксарият ҳолларда бу совутиш тизимларидан фойдаланилади (2.1-расм). Аммо бугунги кунга келиб, электрон қурилмаларнинг турли муҳит ва турли хил ҳудудларда ишлашини инобатга олган ҳолда, шу кунгача фойдаланиб келинаётган оддий совутиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сабаби шундаки, бу тизимлар фақатгина ярим ўтказгичнинг ҳароратини инобатга олган ҳолда ишлайди ҳамда ҳароратни маълум бир қийматгача сақлаб тура олади. Ҳарорат ошиб борса, маълум қийматдан ўтганидан сўнг бу хаттоки, ярим ўтказгичларни ишдан чиқарувчи қурилмаа ҳам айланиши мумкин.



2.1-расм. Ярим ўтказгичлар.

Ҳозирда қўлланилиб келаётган ярим ўтказгичларни совутиш тизимларини ҳам қисман автоматик дейишимиз мумкин (2.2-расм). Бироқ бу тизимларнинг асосий камчилиги бу тизим аниқ белгиланган қийматларда ишлайди. Яъни белгиланган ҳароратда ушлаб туриш учун ярим ўтказгичларнинг ҳароратини инобатга олган ҳолда ишлайди.



2.2-расм. Ярим ўтказгичларни қўллаш

Биз таклиф этаётган ноаниқ мантиқ алгоритмига асосланган совутиш тизими лойиҳаси (2.3-расм.) эса ярим ўтказгични ҳароратига, ундан ўтаётган юклама қувватига ва ташқи атроф муҳитнинг ҳароратларини инобатга олган ҳолда ишлайди. Ноаниқ мантиқ алгоритмида ишлашига асосий сабаб шундаки, совутиш тизими аниқ ҳолатлар юзасидан тузилган алгоритм асосида эмас балки, ишлаш жараёзида содир бўладиган ҳолатларни инобатга олган ҳолда совутиш куллерларини ишга туширади. Агар ҳарорат меъёрида бўлса радиаторларнинг ўзи билан ҳароратни меъёрида ушлаб туришга ҳаракат қилади. Ҳарорат меъёридан ошганда мис трубаларида жойлашган суюқликларни куллер орқали совутган ҳолда ярим ўтказгични тезда мақбул ҳароратга туширади.




2.3-расм. Совутиш мосламаси.

Юқоридаги совутиш тизими қуйидаги ҳароратни ноаниқ мантиқ алгоритми кўринишида аниқлайди ва ярим ўтказгичнинг мақбул бўлган кўрсатгичида ушлаб туради.

Fuzzy logic Toolbox - мантиқий тизимларни лойиҳалаш учун воситаларни ўз ичига олган MATLAB қўшимча тўплами. Тўплам мантиққа асосланган эксперт тизимларини яратиш, алгоритмлар билан кластерлаш ва нейрон тармоқларини лойиҳалаштиришга имкон беради. Тўплам тизимларнинг босқичма-босқич


интерфаол дизайни учун график интерфейсни, дастурни ишлаб чиқиш учун буйруқ қатори функсияларини, шунингдек Симулинкда мантиқий тизимларни яратиш учун махсус блокларни ўз ичига олади. Пакетнинг барча функсиялари MATLAB очиқ тилида ёзилган бўлиб, бу алгоритмларнинг бажарилишини бошқариш, манба кодини ўзгартириш ва ўзингизнинг функсияларингиз ва протседураларингизни яратишга имкон беради. Энди эса, ўз диссертатсиямнинг мавзусига асосланган ҳолда, Фуззй Логис Тоолбохда мева шарбатини олиш жараёнининг мантиқий лойиҳасини тузамиз.

1-қадам: MATLAB дастурини ишга тушириб, унда “fuzzy” командасини ёзамиз ва Enter тугмасини босамиз.




2.4-расм. Электр қуввати синусоида графиги.

2-қадам: “Edit” ойнасини очиб “Input” киритамиз ва қуйидаги ойнада кўринганидек бизларда 2 та “input” пайдо бўлди. 1-input ҳарорат деб оламиз ва 2-инпутни эса қувват деб оламиз. Бунда керакли натижа сифатида ярим ўтказгич температурасини танлаб оламиз.




2.5-расм.

3-қадам: Энди эса Membership фунстиондаги охирги вазифани амалга оширамиз, у ҳам бўлса Фракциялаш деб номланган натижа учун Inputни график кўрсатгичларини белгилаб чиқамиз.




2.6-расм.

4-қадам: Шундан сўнг Option ойнасини очиб Rules тугмасини босамиз, ва қуйидаги ойна бизга очилади. Бу ерда биз мантиқий қонуниятини ҳосил қилишимиз керак бўлади.




2.7-расм.

5-қадам: Кейинги қадамда Rule Biew ойнасида 3та Input учун қуйидаги жадвал ҳосил бўлади ва биз буни кўришимиз мумкин.



2.8-расм.


6-қадам: Энди эса биз Biew ойнасидан Curface тугмасини танласак, қуйида кўришимиз мумкин бўлган ушбу график ҳосил бўлади



2.9-расм.

2.2. Инверторнинг қўшимча электр таъминоти манбалари асосида ишлаш функциясини ишлаб чиқиш.

Лойиҳалаштирилаётган инверторнинг технологик жараёнларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун энг аввало инверторнинг ўзини узлуксиз электр манбалири билан таъминлашимиз зарур. Шу боисдан ҳам биз лойиҳанинг ушбу босқичида инверторларни тармоқ электр манбалари ҳамда қўшимча доимий ток манбалари билан электр токи етказиб берилишини лойиҳалаштирдик. Лойиҳа 10-расмда келтирилган схематик кўринишга эга бўлади:



2.10-расм.

Қўрғошин кислотали аккумулятор (2.11-расм.)- бу ўртача нарх, яхши ресурс (500 та тсиклдан ва ундан юқори), юқори ўзига хос қувват туфайли кенг тарқалган батареядир. Амалиётнинг асосий йўналишлари: автоуловларда бошланғич батареялар, фавқулодда қувват манбалари, захира қувват манбалари.



2.11-расм.

Фақат бу аккумляторлар лойиҳанинг хизмат кўрсатиш муддатини қисқартириб юбориши мумкин. Шу боисдан бугунги кунда энг мақбул аккумляторлар ҳисобланиб келаётган доимий ток манбаъи сифатида (2.12-расм.) никел-кадмиеви ва литий-ионная аккумулаторларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.



2.12-расм.

Ушбу доимий электр ток манбаларидан фойдаланишимизга асосий сабаб қилиб уларнинг узоқ муддат хизмат қилишлари, ҳажм жиҳатдан ихчам ва иш жараёнида экалогик тоза ҳисобланиши ҳисобига етакчи аккусляторлардан эканлигидадир.

Жумладан бугунги кунда ўзининг электро мобиллари билан жаҳон бозорида етакчилардан бири ҳисобланган Tesla компанияси ҳам ушбу аккумляторлардан кенг фойдаланиб келмоқда.

Икки маротаба қолдирилган ва литюм ўз ичига олган батареялар дунёсида инқилоб қилишни ваъда қилган тадбир амалга ошди - Элон Маск келажакдаги электр транспорт воситалари учун янги батареяларни (2.13-расм.) тақдим этди . Батареянинг янги хужайралари 6 баробар кучлироқ ва 5 баробар кучлироқ.




2.13-расм.

Дарҳақиқат, Тесланинг янги литюм батареялар хужайраларининг қуввати хужайра ҳажмини ошириш ҳисобига ўсди. Компания 4680 (диаметри 46 мм ва баландлиги 80 мм) деб номланган янги, каттароқ аккумулятор формасини тақдим этди. Илгари ишлатилган ва келажакда Тесла электр транспорт воситаларининг тортиш аккумуляторлари блокларида ишлатиладиган 2170 аккумулятор батареяси билан таққослаганда 4680 катакчанинг физик ҳажми олти баравар катта.

Элементнинг ҳажми жиҳатидан сиғими ҳатто кичрайганини кўриш жуда осон - у атиги беш баравар кўпайган. Бироқ, бу батареялар тўплами таркибида озгина фойда келтиради, бу эса битта қувват олиш ҳажмини тахминан 16% га оширади.[8]


Аккумляторлар ривожланиб боргани сари уларни зарядлаш воситаларига ҳам талаб ортиб боради. Шу сабабдан лойиҳанинг ушбу босқичида аккумляторларни муқобил электр токи билан таъминлаш ҳамда зарядсизланиш олдини олиш мақсадида қуёш панеллари орқали аккумляторларни зарядлаш босқичини схематик (2.14-расм.) қуйидагича лойиҳасини шакллартирдик.



Аккумляторни қуёш батареялари орқали зарядлаш схемаси

2.14-расм.

Келтирилган ушбу схемада доимий электр ток манбаларини қуёш панеллари орқали зарядлаш ҳамда аккумляторларнинг заряди тўлган вақтда эса автоматик зарядлашни тўхтатиш амалга оширилади. Шунингдек, қуёш панеллари билан зарядлаш ва инверторни аккумляторларнинг электр токидан ишлашини таъминлаш мақсадида ҳозирда 4 та иккумляторлардан йиғилган доимий электр токи манбаларидан инверторларга тушадиган юкламаларни ҳисобга олган ҳолда, параллел ёки кетма-кет уланиш схемасини қуйидагича кўринишда ушбу босқичда лойиҳалаштирилди (2.15-расм.).



2.15-расм.

Юқорида келтирилган барча электр схемалар лойиҳалаштирилаётган инвертор билан узвий боғлиқ ҳолда ишлайди ҳамда инверторни лойиҳалаш вақтида бир платада йиғилиши мумкин бўлади.

